Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1999 йил 13 апрель, сешанба • № 45 (24.440). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Суратда: фахрий дипломни топшириш пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистондаги ижобий ўзгаришларнинг халқаро эътирофи

Шу йил 31 март куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланган эди. Москвада жойлашган ушбу даргоҳнинг президиуми Ўзбекистон раҳбарини мамлакатда илм-фан ва таълимни ривожлантириш соҳасидаги улкан хизматлари учун, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ташаббускори ва ташкилотчиси сифатида ушбу унвонга сазовор деб топган. 12 апрель куни Халқаро академия президенти В. Шукшунов Ислом Каримовга фахрий аъзолик дипломини тақдим этди.

Россиялик меҳмон дипломни топширар экан, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан бемисл экани, унинг замонга мослиги ва ҳар қандай талабга жавоб беришини таъкидлади. Ўзбекистон раҳбарияти ўз олдига қўйган улкан мақсадларига таълим соҳасини кенг миқёсда ислоҳ қилиш ва кучайтириш орқали эришиш мумкинлигини яхши англаб етиб, бу борада барча имкониятларни ишга солмоқда. Бунда, айниқса, Президент Ислом Каримовнинг ўрни беқиёсдир, деди В. Шукшунов.

Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги таълим соҳасида рўй берган ва бераётган улкан ўзгаришлар дунёнинг ҳеч бир мамлакатида кузатилмайди. Япония, АҚШ, Канада сингари ривожланган давлатларда ҳам ялпи миллий маҳсулотнинг 4-5 фоизи ёшлар таълим-тарбиясига қаратилади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 1998 йилда 7,6 фоизни ташкил этди. Жорий йилда уни 8,1 фоизга чиқариш режалаштирилган.

Президент Ислом Каримов халқаро академия дипломини қабул қилиб олар экан, бу ҳужжат Ўзбекистонда юз бераётган ижобий ўзгаришларнинг эътирофи эканини, илмнинг миллати бўлмаслигини таъкидлади. Ҳаёт — кураш, янги аср арафасида бу курашда кўп нарсани ақлий салоҳият ҳал қилади — фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказишга киришганимизнинг бош сабаби ҳам шу, деди Ислом Каримов.

XXI аср бўсағасида ақлий салоҳиятнинг, таълим соҳасига сарф қилинаётган маблағларнинг аҳамиятини англаб олиш қийин эмас. Япония, Жанубий Корея мисоллари шуни кўрсатдики, таълим соҳасига ётқизилган сармоя орадан маълум вақт ўтгач, жуда салмоқли самара беради. Шу боис мамлакатимиз ҳукумати янги миллий дастур ишлаб чиқиб, уни ҳаётга жорий қила бошлади. Ҳозир ишлаётганлардан ташқари, яна мингдан ортиқ касб-ҳунар коллежи ва икки юздан зиёд академик лицейлар қуриш режалаштирилган. Уларда дарс бериш учун юзга яқин тармоқ бўйича қарийб эллик минг нафар муаллим тайёрлаш кўзда тутилган. Қолаверса, янги илм даргоҳларининг самарадорлигини ошириш учун уларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш ишига халқаро молиявий ташкилотлар жалб этилмоқда.

Шу ўринда Президентимиз таъкидлаган бир омилга эътибор қаратишимиз лозим. Ҳеч бир мамлакатда бошланғич ёки ўрта таълим даргоҳини тугатган ўсмирларнинг қанчаси ўз ўрнини топиб кетяптию, қанчаси бекор юргани жиддий тадқиқ этилмайди. Ваҳоланки, улар онги, тафаккури, дунёқараши энди шаклланаётган ёшлардир. Ўша пайтда улар очиқ денгиздаги кемага ўхшаб қолади — фойдали томонга бурилса, жамият ва давлат равнақи учун айни муддао, аксинча бекорчилик туфайли қинғир йўлларга юрса, кони зарар бўлади. Эндиликда мамлакатимизда бошланғич ёки ўрта таълимга эга бўлган ўсмирлар камида битта касбнинг эгаси ҳам бўлади. Бу эса, шубҳасиз, ёшларимизнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим аҳамият касб этади.

Олий мактаб фанлари Халқаро академиясининг дипломини топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, В. Голишев, Т. Рисқиев, Н. Жўраев, Бош вазир ўринбосари Ҳ. Караматов иштирок этди.

(ЎзА)

Саховатдан сўз айтса эл

Мўғул босқинчиларига қарши ўн икки марта муҳорабада от суриб, барчасида қўли баланд келган мард Жалолиддин Мангубердидек озодлик ҳимоячисига, таассуфки, ўз юртида бирор ёдгорлик ўрнатилмаганди. Орадан роса саккиз аср кечди ва қайта истиқлол туғини кўтарган юртимизда улуғ бобокалонимиз хотирасини катта маърака билан ёдламоқ ва номини абадийлаштирмоқ ҳаракати бошланди...

Жасур саркарда Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллик юбилейини ўтказиш ҳақидаги тарихий Фармондан сўнггина бу хайрли ишга киришилди.

Урганч шаҳрида саркарда юбилейи муносабати билан улкан ёдгорлик мажмуаси қурилиши режалаштирилган. Хиёбон, ёдгорлик мақбара, музей... Бунинг учун каттагина маблағ зарур. Ҳукуматимиз юбилей муносабати билан ана шу маблағнинг катта қисмини ажратишга қарор қилган. Маҳаллий идора-ташкилотлар ҳам юбилейга қуруқ қўл билан боришмайди.

Хоразм вилояти ҳокимлиги ва вилоят телерадиокомпанияси ўтказган саховат телемарафони улуғ бобокалонимизга ҳурмат-эҳтиромнинг бир намунаси — юбилей тадоригининг дебочаси бўлди, десак хато эмас. Огаҳий номидаги вилоят театри биносида ўтказилган тадбирда воҳалик ишбилармонлар, оддий фуқаролар ўзлари ишлаб топган маблағларидан Жалолиддин Мангуберди ва Огаҳий жамғармаларига пул ўтказишди. Телемарафон чин маънода саховатли халқимизнинг асл қиёфасини кўрсатди.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Фойдали олди-берди

Россиянинг Красноярск ўлкасида «Наманган» савдо уйи ишлаб турибди. «Красноярск-Наманган» деб аталадиган мазкур савдо ташкилоти орқали анчадан бери фойдали олди-берди амалга оширилади. Яқинда вилоят савдо ташкилотларининг бир гуруҳ масъул кишилари ўлкада бўлиб, янги шартномалар тузиб қайтдилар. Унга кўра, эндиликда вилоятда етиштириладиган мева, сабзавот, пахта толаси каби маҳсулотлар махсус вагонларда сифатли етказиб берилади. Россиялик шериклар эса қурилиш материаллари, металл прокатлар, енгил ва юк машиналари учун зарур эҳтиёт қисмлар жўнатишади.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХДП хабари

Тавсиялар берилди

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XIV сессиясининг кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан МК Сиёсий ижроқўмининг умумий нуқтаи назари ишлаб чиқилди ва уни Олий Мажлис XIV сессиясида ифода этиш партиянинг мамлакат парламентидаги фракцияси аъзоларига тавсия қилинди.

Сиёсий ижроия қўмита мажлисида Ўзбекистон ХДПда ҳисобот-сайловлар мавсуми бошланганлиги ва уни партия матбуотида ёритиш тўғрисидаги, шунингдек, ташкилот ички ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Олий Мажлис XIV сессияси олдидан

Депутатлар машварати

Ўзбекистон ХДПнинг республика Олий Мажлисидаги депутатлар фракцияси аъзолари парламентнинг навбатдаги сессияси олдидан анъанавий машваратга йиғилдилар. Унда ўн тўртинчи сессия кун тартибига киритилиши таклиф қилинаётган масалалар ва қабул қилиниши мўлжалланаётган ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмининг шу ҳақдаги тавсиялари ҳамда фракциянинг умумий ёндашувлари тўғрисида фракция раиси Абдулҳафиз Жалолов маъруза қилди.

Маърузачи ва муҳокамаларда иштирок этган 31-Мустақиллик сайлов округидан депутат И.Ваҳобов, 169-Кўксарой сайлов округидан депутат Д.М. Ғуломова, 141-Термиз сайлов округидан депутат Х.Э. Эрматов, 200-Қудаш сайлов округидан депутат Х.Усмонова, 176-Гулбаҳор сайлов округидан депутат Ш.У. Йўлдошевлар Ўзбекистон Олий Мажлиси навбатдаги сессияси кун тартибига таклиф этилаётган «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда), «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (янги таҳрирда, иккинчи ўқишда), «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси, «Уй-жой мулкдорларнинг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда), «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда), «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси, «Ўрмон тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда) ва бошқа ҳужжатларнинг давлатимиз, жамиятимизнинг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган долзарб масалалар эканлигини кўрсатиб ўтдилар. Уларнинг муҳокама жараёнидаги такомиллашуви ва, пировард натижада, қабул қилиниши мамлакатимизда кенг қанот ёзаётган иқтисодий, ижтимоий, маданий қурилиш соҳаларидаги муносабатларнинг ҳуқуқий заминини кенгайтиришга хизмат қилиши, ислоҳотларнинг жадал боришига кучли ижобий таъсир кўрсатиши таъкидлаб ўтилди.

Шу боис, қонунларнинг тўла-тўкис ишлаши, жамиятимиз тараққиётига кўпроқ фойдаси тегишини кўзлаб, мажлисда, таклиф қилинган кун тартиби ҳамда тақдим этилган лойиҳаларни маъқуллаш билан бирга, уларга айрим қўшимча ва ўзгаришлар киритилиши лозимлиги тўғрисида аниқ фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда якдиллик билан қабул қилинган қарорда партиядан мамлакат парламентига сайланган депутатларга, Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг тавсияларини инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясининг таклиф этилаётган кун тартиби ва муҳокамага қўйилаётган масалаларга доир ҳужжатлар лойиҳаларини, асосан, маъқуллаш ҳамда улар хусусида фракциянинг умумий нуқтаи назарини сессияда ифода этиш тавсия этилди.

Мажлисда, шунингдек, 15-Қўйлиқ сайлов округидан сайланган депутат, «Мебель» АЖ бошқаруви раиси А. Э. Қирғизбоевнинг депутатлик фаолияти ҳақидаги ахбороти эшитилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари Б.А.Шодиева иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Мурувват бу — меҳр қуёши

Муносабат

Эгилган бошни қилич кесмайди. Адашган фарзандини Ватан, халқ, албатта кечиради. Президентимиз МДҲ мамлакатлари давлат раҳбарларининг навбатдаги йиғилишига жўнаш олдидан Тошкент тайёрагоҳида журналистларга интервьюсида бошқа масалалар қатори 16 февраль воқеларига тўхталиб, Ватанга, халққа қўл кўтариш мудҳиш жиноят эканлиги, йўлдан адашганлар бош эгиб келсалар, авф этилиши, уларга ҳаётда ўз йўлларини топишга имкон берилишини билдирдилар. Бу улуғ мурувват — инсоф-диёнатга даъват, Ватан ва халқ кечириши учун ягона имкониятдир.

Умр — йўл, деган фикрга қўшиламан. Йўлдаги танишув, суҳбатлар эсдан чиқмайди. Бу сафар ҳам Қарши автошоҳбекатида автобус кутар эканман, беҳаловат йўловчиларнинг гап-сўзларини беихтиёр тинглай бошлайман.

— Ҳарбий хизматдаги ўғлимизни кўриб келяяпмиз, — дейди бир йўловчи. — Йигитлар ихлос билан хизмат қилишаяпти, яшаш шароитлари ҳам яхши экан. Ўша жойдаги телевизордан Президентимизнинг адашган ёшларни халқ кечиради, деган гапларини эшитиб, рости, кўнглимизга нур ингандай бўлди. Адашганларни тўғри йўлга солишдан ортиқ савобли иш йўқ дунёда...

— Менга қолса, бундай кимсаларни аямаган бўлардим, — дейди кўзлари чақнаган ёш йигит. — Сен кимга қўл кўтараяпсан? Қандай касофат кўчаларда санғиб юрибсан? Энди қилмишинг учун жавоб бер!

— Ўғлим, озроқ шаштингдан тушгин, — дея суҳбатга қўшилади кекса онахон. — Яхшилик ва мурувват ҳамманинг қўлидан келавермайди. Юрт эгаси ота-да, ота эса мурувватли бўлади. Меҳр-шафқат офтобга ўхшайди, музлаган кўнгилларни ҳам эритади. Шафқатли бўлишни ўрган, болаларинг кўпайгур...

Гап орасида онахоннинг нафақага чиққан муаллима эканлигини билиб олдик. Шаҳрисабзга олиб борадиган автобусда кетар эканман, ҳамма оналар бир-бирларига ўхшайди, деган ўй фикримни чулғаган эди...

Ўша машъум 16 февраль воқеалари юз берганда, оғир касалликни бошдан ўтказганим туфайли Тошкентдаги Республика саломатликни тиклаш ва физиотерапик даволаш илмий-тадқиқот институтида даволанаётган эдим. Шифохонада ургутлик Бўриой Низомова деган муаллима билан танишиб қолдик. «Мендан қўрқмайсизми, бўри тишим бор», дея кулдириб юрарди. Портлаш оқибатларини

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 13 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	72,64	1 Хитой юани	13,91	1 Франция франки	18,97
1 Австрия шиллинги	9,04	10 Люксембург франки	30,85	1 Швейцария франки	77,77
1 Англия фунт стерлинги	185,12	1 Малайзия рингити	30,31	1 ЕВРО	124,44
10 Бельгия франки	30,85	1 Германия маркаси	63,63	10 Жанубий Корея вони	0,94
1 Голландия гульдени	56,47	1 Польша злотийси	29,00	10 Япония иенаси	9,52
10 Греция драхмаси	3,84	1 СДР	155,89	1 Россия рубли	4,60
1 Дания кронаси	16,74	1000 Туркия лираси	0,31	1 Украина гривнаси	29,22
1 БАА дирхами	31,35	1 Финляндия маркаси	20,93		
1 АҚШ доллари	115,16				
1 Миср фунти	33,75				
10 Испания песети	7,48				
100 Италия лираси	6,43				
1 Канада доллари	76,79				

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн тўртинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессияси 14 апрель куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 13 апрель куни соат 9 дан соат 18 га қадар ва 14 апрель куни соат 8 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Бирлашган ўзар

Одатда минтақа миқёсида бирон бир учрашув ёки саммит ўтказиладиган бўлса, халқларимиз бу тадбирларни зўр қизиқиш ва иштиёқ билан кузатади. Чунки бундай учрашувларда муштарак мақсадларимизни рўёбга чиқариш борасида хайрли режалар белгилаб олинади, ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлар давом эттирилади. Шу маънода Ашғабадда Урта Осиё ва Қозоғистон давлат раҳбарларининг Оролни қутқариш Халқаро жамғармасининг навбатдаги мажлисида нафақат Орол муаммоси, балки минтақа келажагини кўзлаб қабул қилган қарорлари, самимий учрашувлари тарихий аҳамиятга эгадир.

Аслини олганда бизлар, минтақа халқлари шу заминда асрлар давомида бирга яшаб, бир ариқдан сув ичиб оға-ини бўлиб кетган қондош, қардош халқлармиз. Қадимқадим замондан Моваронаҳр деб аталмиш бу заминда барчамизнинг ота-боболаримиз юртга душман бостириб кирганда ёвга қарши ёнма-ён туриб курашганлар, яхши-ёмон кунларда бир-бирига мададкор бўлиб юрганлар.

Бинобарин, бизларнинг тарихимиз ҳам, тақдиримиз ҳам бирлашиб кетган. Бу — юртбошимиз айтганларидек, Аллоҳ таоло бизга берган азалий ва абадий насибамиздир.

Халқимиз ҳам бекорга «Бирлашган ўзар» деб айтмаган. Бугунги кунда мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш нафақат минтақавий, балки глобал аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, бизнинг азобли дардимиз — Орол муаммоси ўзбеку қозоқ, туркману тожик, қирғизлар ҳаёти ва тақдирига бевосита алоқадорлигидан ташқари, оламшумул аҳамият касб этади. Бинобарин, Оролбўйидаги экологик бўҳрон давлатларимизни бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга ундади.

Ашғабад саммитида Ўзбекистон раҳбари — Оролни қутқариш Халқаро жамғармаси Президенти Ислом Каримов ўтган икки йил мобайнида минтақа давлатларининг саъй-ҳаракати натижаси ўлароқ Оролбўйида бирмунча ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлади. Энг муҳими, Орол денгизи сатҳининг камайиши тўхатилди. Ҳамкорликда ташкил этилган жамғарма эса 40 миллионга яқин нуфусли минтақада янги иш ўринлари очиш, аҳолини зарур дори-дармон билан таъминлаш борасида фаоллик кўрсатиб келмоқда. Айни чоғда Орол муаммоси ечимига йирик халқаро молиявий ташкилотлар, кўплаб хорижий давлатлар жалб қилинган.

Минтақавий ҳамкорлик мазкур ҳудуддаги давлатлар учун шунчаки интеграция удумига эргашиш эмас, балки ушбу мамлакатларнинг мустақиллик ва тараққиёт йўлига айланиб бормоқда. Минтақа давлатлари ҳозир жаҳон миқёсида бўлгани каби ижтимоий янгиланишларнинг, иқтисодий ислоҳотларнинг мураккаб жараёнини бошдан кечирмоқдаки, мазкур шароитда олдинга қўйилган мақсад ва вазифаларни бундан буён ҳам ҳамкорликда изчил бажариш учун биринчи навбатда минтақада тинчлик ва барқарорлик зарур.

Кўриб-билиб турибмиз: дунёмиз турли ташвиш, нотинчлик ва зиддиятларга тўла. Дам у ерда, дам бу ерда уруш олови ловуллаб турибди. Афсуски, бизнинг минтақамиз ҳам бу нотинчликдан холи эмас. Халқларимиз ўртасида қўшни Афғонистонда қарийб йигирма йилдан бери давом этаётган биродаркушлик уруши катта ташвиш туғдирмоқда. Дейлик, Тожикистонда узоқ давом этган нотинчлик вазияти бутун минтақамиздаги барқарорликка қанчалик таҳдид солганлигига ҳам барчамиз гувоҳмиз. Эндиликда бу ерда барқарорлик тобора мустаҳкамланиб бораётгани, мухолиф томонлар ўзаро тил топишаётганлиги албатта ҳаммамиз учун қувонарлидир.

Аслини олганда, минтақа доирасидаги ҳар қандай ўзгариш беиз йўқолмайди, бошқаларни ҳам бефарқ қолдирмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ашғабад саммити якунида Тожикистонда Россия ҳарбий базасининг қурилиши ҳақидаги масалага эътибор қаратилгани бежиз эмас. Тожикистонда, умуман минтақамизда тинчлик ва барқарорликнинг доимий ташаббускори ва тарафдори, тинимсиз курашчиси бўлиб келган Президент Ислом Каримов ушбу масалага Ўзбекистон ҳукуматининг муносабатини баён қилар экан, ҳар қандай саъй-ҳаракат энг аввало минтақадаги тинчлик, осойишталикни сақлаш, авайлаш ва мустаҳкамлашга қаратилмоғини алоҳида таъкидлади.

«Ҳар бир давлат ўз манфаати, хавфсизлиги, ҳудудий яхлитлигини ҳимоялаш нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ҳар қандай давлат билан тегишли ҳужжат имзолашга ҳақлидир, — деди жумладан, Ислом Каримов Ашғабад саммити якунида бўлиб ўтган матбуот анжуманида. — Бу ҳар бир давлатнинг суверен ҳуқуқидир. Лекин мен турли важлар билан Ўзбекистон ва Тожикистонни ўзаро низолаштиришга йўл қўйилмаслигини яна бир бор қатъий таъкидламоқчиман. Чунки айни пайтда мамлакатларимиз ўртасига нифоқ солиш илинжида тирноқ остидан кир қидираётганлар ҳам бор. Икки ўртадаги айрим тушунмовчиликлардан катта сиёсий капитал ишлашга, нафақат капитал ишлаш, балки четдан туриб бошқариладиган, узоқ вақтга чўзиладиган ва учинчи бир давлатга фойда келтирадиган можаро уюштириш илинжида бўлган кучлар ҳам йўқ эмас. Қатъий қилиб айтишим мумкин — бу қора ният ҳеч қачон амалга ошмайди. Зеро, биз ўзбек ва тожиклар икки тилда гаплашувчи бир халқмиз. Мамлакатларимиз ўртасида бирор тушунмовчилик пайдо бўлганда муносабатларни кескинлаштирмай, муаммони музокаралар йўли билан ечишга, ақл билан иш юритишга қурбимиз етади.

Энди ҳарбий база қурилишига келсак, табиийки, бу ерда турли саволлар туғилиши аниқ. Хусусан, бу борада икки масала пайдо бўлади. Биринчидан, бу база қандай мақсадларда тузилмоқда? Иккинчидан, у кимга ёки кимларга қарши қаратилган? Буни дарҳол изоҳлаш лозим. Ваҳоланки, бу тадбирдан кўзланган асл мақсад ҳозирча қоронғи бўлиб турибди. Бир нарсани таъкидламоқчиман: ҳеч бир давлат ўз тупроғида ўзга мамлакатнинг ҳарбий базаси очилишига рухсат беришдан ҳеч қачон фойда топмаган».

Шу ўринда Ўзбекистоннинг минтақада ялпи тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги доимий саъй-ҳаракатлари бутун дунё аҳлига аёнлигини эслатиб ўтиш жоиздир. Марказий Осиё ҳудудини ядро қуролидан ҳоли зона деб эълон қилиш ташаббуси билан чиққан ҳам, Афғонистондаги фуқаролар урушини фақат ва фақат тинч музокаралар йўли билан ечиш таклифи билан дунё ҳамжамиятига биринчи бўлиб мурожаат қилган ҳам Ўзбекистон раҳбаридир. Ўз вақтида мамлакатимиз Тожикистон ҳукумати ва унга мухолиф кучлар ўртасидаги низоларни тинч музокаралар йўли билан ҳал қилиш тарафдори бўлиб чиққан, томонлар ўртасида яраштирув битими имзоланишига ҳам муносиб ҳисса қўшган эди. Шундай экан, орамизга раҳна солишга уринаётганлар бизнинг қардошлигимиз ва аҳиллигимиз минг йиллардан буён давом этиб келаётганлигини унутмасликлари лозим.

Ўзбек ва тожик халқлари тарихнинг барча даврларида бирга бўлган, ёнма-ён қадам ташлаб, турмушнинг бор шодлигу ғамини бирга баҳам кўрган. Ҳозирга келиб дўстлигимиз ва қардошлигимизнинг янги даври юз очди. Мустақил миллат, ўз мустақил ватанининг эгаси бўлган халқларимиз тарихида, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, истиқлол тарихи, иқтисодий ва маънавий ривожланиш, жаҳон ҳамжамиятида ўз нуфузи ва муносиб ўрнига эга бўлиш даври бошланди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, эндиликда тарихни можаролар ва адоват эмас, балки халқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ишонч олға ҳаракатлантиради. Биз икки халқ ана шу ҳамкорлик ва ишонч йўлидан доимо бирга бораверамиз!

Аслиддин ОРТИҚОВ
(ЎзА)

Мурувват бу — меҳр қуёши

(Давоми. Боши 1-бетда)

телевизордан кўрган кунимиз ҳаловатини йўқотди, Ургутда қолган фарзандлари ташвиши фикр-хаёлини эгаллаб олди.

— Ёмонликнинг умри қисқа, — дейди Бўриой опа изтироб чекиб. — Бегуноҳ одамларнинг қонини тўккан, шу ишни уюштирганлар, илло, кўкармайди. Турмуш ўртоғим ўқитувчи, тўққиз нафар фарзанд ўстирдик. Президентимиз ҳақ гапни айтдилар, болаларимизни ўзимиз тарбия қиламиз, ёвуз кимсаларнинг қўлига бериб қўймаймиз. Бола тарбияси учун ота-она биринчи галда жавобгардир. Ҳа, дарвоқе, сиз Китобдансиз-а? Телевизорда алданиб чет элга бориб қолган йигитларни кўрсатишди. Нега улар ҳақида ёзмайсиз? Газетага ёзсангиз, уларнинг тақдири ёшлар учун ибрат бўларди...

Бугун-эрта, деб вақт тополмадим. Уларни танимасдим. Шоиртабиат дўстим— «Пахтаобод» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мавлон Раҳмонов бошлаб борди.

— Меҳмон келса, бош устига, — дейди Акром ака шинамгина меҳмонхонага бошлаб, дастурхон ёзар экан. — Кўнглингизга олмангу, уйимизга келган телемухбир ҳамкасбингиз менинг кўп гапларимга эътибор бермади. Кейин кимдир «телевизордан картошкафурушларни кўрсатди», деб гап тарқатибди. Ана шунга чидай олмаяпман. Фарзандларимиз деҳқончилик қилиб, ҳалол нон топади, аммо ватанфуруш эмас...

— Қўйинг, Акром ака, кўнглингизга олманг, — дейди Мавлон Раҳмонов. — Оғзига кучи етмаганлар нималар демайди. Эсингиздами, ўша воқеалар юз берганда ҳам ҳар хил гап тарқаган, аммо кўпчилик, «бардам бўлинг, кимлар адашмайди», дейишганди.

— Ўн бир фарзандни трактор, такси ҳайдаб катта қилдим, — дейди Эргаш ака. — Бировдан бир бурда нон сўраган эмасман. Худога шукр, иккита енгил машинамиз, тракторимиз, қўрада молимиз бор. Аммо ўша тўқсон тўртинчи йилнинг февралида ўғлим Хусанжон ва жияним Дилшод иккаласи «ўқиймиз», деб кетиб қолишганда ғафлат босгани рост. Қидирдик, ҳар хил гап тарқалгач, жонимизда жон қолмади. Кейин дараги чиқди. Бир куни ранги сарғайиб кириб келишса бўладими. Роса таъзирини бергач, акам иккаламиз ўзимиз тегишли органларга олиб бордик. Мана, ўзлари қайси «бизнес мактаби»да ўқиб келганларини айтишсин.

Биз келганда, Хусан ва Дилшоджон қўллари мой, тракторни таъмир қилишаётган экан. Ўйланишиб, Хусан ўғлига Давлатбек, Дилшод қизларига Дирозбону ва Заҳро, деб исм қўйишибди. Хусан асаларичи, Дилшод деҳқончилик қиларкан.

— Бизни ёш боладек лақиллатишганидан ҳали-ҳали ўзимизни кечирмаймиз, — дейди Хусанжон хижолат чекиб. — Февраль ойида Тошкентда юз берган қонли воқеаларни эшитгач, уларнинг қабиҳ ниятларини, жар ёқасига бориб қолганимизни тўла-тўкис англаб етдик. Ўша тўқсон тўртинчи йилнинг февралида «бизнесмен бўласизлар, машина оласизлар», деб алдашганда қанчалик ғўр эканмиз. Кимларнинг қўлига тушиб қолганимизни сал-пал англай бошлагач, даҳшатга тушдик. Аммо паспортларимизни олиб қўйишди, «уйларингга етиб боролмайсизлар», деб қўрқитишди. Меҳмонхонага жойлаштиришди. Йигирма битта қашқадарёлик йигит эдик. Ҳамма харажат улардан эди. Қандайдир тоққа олиб бориб, қўл кураши, қуролдан ўқ узиш, портлатиш усулларини ўргатишди.

— Август ойида бошқа жойга ўтказишганда, у ерда қолишни истамадик, — дейди Дилшоджон. — Қандай бўлмасин, юртга қайтишни, ҳамма гапни ота-онамизга айтишни ўйлар эдик. Олти китоблик йигит «кетамиз», деб туриб олдик. Бизга турли китобларни беришиб, «орқаларингдан одамларимиз кузатиб юради», дейишди. Юртга келгач енгил нафас олдик. Китобларни ахлат яшигига улоқтириб ташладик. Аввало, ота-онамизга, кейин тегишли ташкилотларга бор гапни айтиб бердик. Гуноҳимизни кечиришди. Адашдик, аммо жиноятга қўл урганимиз, юртимизга қўл кўтарганимиз йўқ. Мен энди юртимизнинг бир ҳовуч тупроғини ҳар қандай хазинага алишмайман. Адашиб, юртдан айрилиб юрганлар қисматига ачинаман.

— Мен асаларичиликни ўргандим, — дейди Хусанжон. — Ўтган йили 2 тонна асал олдик. Машинани ҳам ҳалол меҳнат қилиб сотиб олдик. Ўша кунларни эсласам, юрагим орқамга тортиб кетади. Хато қилдик, аммо юртимиз, халқимиз кечирди. Отам дарахт бир жойда кўкаради, дейдилар. Инсон ўз юртида яйраб-яшнаркан. Бу гапларни адашиб, ёвузлар таъсирига тушиб қолган, ҳадиксираб яшаётган ёшлар билсин, дейман. Адашган бўлсангиз, бош эгиб келинглар, қўлингиз қонга ботмасин, ватанфурушга айланиб қолманглар, дейман.

— Телевизордан юртбошимизнинг гапларини эшитдим, — дейди Эргаш ака. — Оталар фарзандлари тарбияси учун ҳамиша жавобгар. Агар болаларимиз Ватанга қўл кўтаришса, уларнинг бахридан ўтардик. Ватан хоинининг отаси бўлишдан ҳазар қиламан. Худога шукрки, фарзандларимиз ўз вақтида хатоларини англашди. Кўр ҳассасини бир марта йўқотади, дейдилар. Бу гапни шунинг учун айтяпманки, ота-оналар ғафлатда қолишмасин, ёвуз кимсалар болаларимизни ёмон йўлга бошламасин. Фарзандларимизни Ватан, эл хизматига фидойи қилиб ўстирайлик...

Йигитларнинг, Акром аканинг гапларини ҳаяжонга тушмай эшитиб бўлмас эди. Шунда ўз оиламиз ҳақида ўйлаб кетдим. Онам Нозик Жалил қизи, бобом, Қумри момом — уларнинг охирати обод бўлсин — дин-имонни маҳкам ушлаган кишилар эди. Биз — уларнинг шўро мактабида ўқиган фарзандлари даҳрий эдик. Шукрки, Ватанимиз озод бўлиб, шуҳрати оламга ёйилган, Оллоҳ қалбимиз, юрагимизга жо бўлган кунларга етишдик. Ватан мустақиллиги, қадди-камолини кўришга муяссар инсонлар қатори менинг ҳам қалб тилагим ушбудир:

— Эй, пок парвардигор, Ватанимизни ёмон кўзлардан асра. Ғофил бандаларингга инсоф бер. Сўнгги кун келганда ҳам хилхонам шу муқаддас тупроқда бўлсин. Ҳар ишда ўзинг қўллагин, Раббим!..

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Тараққиёт шарти — барқарорлик!

Ўзбекистон ХДПнинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси Абдулҳафиз Жалоловнинг фракция йиғилишида 1999 йил 12 апрелда қилган маърузаси

Парламентимизнинг навбатдаги XIV сессиясида мамлакатимизда давом этаётган бунёдкорлик ишларига муҳим ҳисса бўлиб қўшилажак қонунлар лойиҳаларини кўриб чиқиш мўлжалланмоқда. Биз эса, ҳар галгидек, фракциямизнинг уларга нисбатан нуқтаи назарини ишлаб чиқиш учун тўпландик.

Асосий мақсадга ўтишдан олдин диққатингизни Олий Мажлиснинг кейинги сессияси билан ушбу сессия оралиғида рўй берган жиддий воқеа — 16 февралда Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракатлари масаласига қаратмоқчи эдим. Зеро, мазкур мудҳиш ҳодиса, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «Огоҳ бўлинг, одамлар!» деган башоратий даъватининг нақадар ўринли ва ўз вақтида қилинганини исботлаши билан бир қаторда, мамлакатимизда қатъийлик билан, изчил олиб борилаётган ислоҳотлар, мисли кўрилмаган янгиланиш жараёнлари, қолаверса, бу соҳалардаги ютуқларимиз ифлос ниятлар билан ҳокимият илинжида юрган айрим кимсаларнинг ҳасадини уйғотаётганлигини, уларга тинчлик бермаётганлигини аён этди. Республикамиз аҳолисининг етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча фуқаролари яхши тушундиларки, ғаламислар ўзларининг қабиҳ ниятларига етишишлари, яъни ўз ғаразли мақсадларига эришиб, ислоҳотларни барбод этиш, миллий мустақилликка зарба бериш, мамлакатимизда ўрта асрчилик тартибларини ўрнатиш йўлида халқимизни ўз ихтиёри билан сайлаган мамлакат Президентидан айириш, юртимиздаги тинчлик-осойишталикка жиддий путур етказишдан ҳам тоймайдилар.

Ҳа, ғанимлар катта умидлар билан қўпорувчилик қилиб, қон тўкдилар, бегуноҳ одамларнинг жонига завол бўлдилар. Бироқ, улар қаттиқ янглишдилар. Қутилмаган портлашлар халқимизни қўрқитмади, уни ваҳимага солмади, қўрқув одамлар юрагидан жой топмади.

Аксинча, ғаламисларнинг қилмишларига нафрат билан қараган барча ўзбекистонликлар мамлакатимиз йўлбошчиси атрофида янада жипслашдилар, унинг раҳбарлигида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатни амалий ишлари билан тўла қўллаб-қувватламоқдалар.

Ўйлаймизки, фракциямиз ҳам ушбу масалага ўзининг қатъий муносабатини билдиради, террорчилар ва уларнинг орқасида турган, мустақил Ватанимиз осойишталиги душманларини қаттиқ қоралайди, юз берган ҳодисадан чуқур сабоқлар чиқаради ҳамда бундай ҳолга бундан кейин йўл қўймаслик чораларини кўришга ўз ҳиссасини қўшади.

Февраль воқеалари улардан ҳушёр тортган халқимизни кенг қамровли бунёдкорлик ишларидан чалғита олмади. Юртимизнинг барча ҳудудларида жўшқин ҳаёт давом этмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг, ўша куниёқ, Олий Мажлис биносида бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон Президенти И. А.Каримов ўзининг «Келажакни жасоратли одамлар қуради» номли маърузасида 1998 йилда мамлакат иқтисодий-ижтимоий ривожланишининг якунларини таҳлил этиб, иқтисодий ислоҳотларни 1999 йилда чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини асослаб берди. Мавжуд ички ва ташқи қийинчиликлар, айрим минтақаларда йўл қўйилган хато ва камчиликларга қарамасдан, ўтган йили халқ хўжалигида жиддий силжишлар рўй берди. Саноат, транспорт, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва маиший хизмат соҳаларида қўлга киритилган ютуқларда (уларни сиз яхши биласиз) фракциямиз аъзолари, барча депутатларнинг ҳамда улар раҳбарлик қилаётган меҳнат жамоаларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Юртбошимизнинг ўтган йил натижалари ҳақида тўхталиб, алоҳида таъкидлаганидек, унинг давомида **эришган энг катта ютуғимиз, аввалам-бор, одамларнинг ижтимоий ва иқтисодий фаоллигининг ўсиши, тафаккури ва руҳияти, ҳаётга муносабатининг ўзгариши бўлди.** Бундан хулоса қилиш мумкинки, республикада амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ислоҳотлар жараёнида, улар билан уйғун тарзда, чуқур маънавий янгиланиш ҳам юз бермоқда.

Демак, фракциямиз аъзолари Олий Мажлиснинг қонунчилик фаолиятига, шунингдек, қонунларни ҳаётга татбиқ этишга қўшаётган ҳиссаларини муттасил ошира борсалар, халқимиз турмушининг фаровонлашуви, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши, унинг жаҳон иқтисодиёти билан уйғунлашуви жараёнлари янада жадаллашади.

Энди, Олий Мажлис ўн тўртинчи сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар ва уларга бизнинг нуқтаи назаримиз тўғрисида. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми бугун ушбу масалани кўриб чиқиб, сессиянинг таклиф этилаётган кун тартибини ҳамда муҳокамага қўйилаётган қонунларнинг тақдим этилган лойиҳаларини, асосан, маъқуллашни тавсия этди. Шундан келиб чиқиб, сизларни Сиёсий ижроқўмнинг Олий Мажлис XIV сессиясига тааллуқли ҳужжатлар лойиҳаси тўғрисидаги мазкур тавсиясини инобатга олишга даъват этамиз ва, шу билан бирга, қонун лойиҳалари юзасидан таклиф ё мулоҳазаларингиз бўлса, улар юзасидан фикрларингизни билдиришингизни сўраймиз.

Хабарингиз бор, сессия кун тартибига 20 га яқин масалани киритиш кўзда тутилмоқда. Шулардан ўнтаси — қонунлар лойиҳалари, шу жумладан, олти қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокамага қўйилади. Олий Мажлис ва унинг раҳбарияти ҳамда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг, одатдаги, йиллик ҳисоботларидан ташқари, бу гал, биринчи марта, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджетининг биринчи чоракдаги ижроси тўғрисида ҳукумат ахбороти ҳам тингланади.

Агар қонунлар лойиҳаларини, уларнинг мазмунига кўра, тавсифлайдиган бўлсак, биринчи навбатда, иқтисодий муносабатлар ислоҳини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайдиганларини кўрсатиш мумкин. «Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Лизинг тўғрисида», «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида», «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари шулар жумласидандир. Ушбу қонунлар лойиҳаларининг кўпчилиги иккинчи ўқишда кўрилиши, улар ҳақида олдинги сессия арафасида ва унинг ўзида таклифларимизни киритганимизни ҳамда уларнинг талай қисми янгидан тақдим этилган лойиҳаларда ўз аксини топганлигини ҳисобга олиб, сессияда уларни тўла қўллаб-қувватлаш мумкин.

Парламентнинг ҳар бир сессиясида мамлакатимизда демократик тамойиллар тобора кучайиб бораётганлигидан далолат берувчи қонунларнинг қабул қилинишида иштирок этмоқдамиз. Олий Мажлис XIV сессияси ҳам бундан мустасно эмас. Унинг кун тартибига «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» (янги таҳрирда)ги қонунлар лойиҳаларини иккинчи ўқишда киритиш таклиф этилган. Биз бу лойиҳаларни асосан маъқуллаш билан бирга, уларга баъзи бир тузатишлар киритилса, ҳужжатлар қиёмига етган бўлар эди, деган фикрдамиз.

Биринчидан, **«Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги** Қонун лойиҳаси хусусида. Маърифатли дунё тарихий тажрибаси шундан далолат берадики, демократия инсоният тараққиётининг юксак босқичи бўлиб, уни фақат ялпи, тенг ва тўппа тўғри сайланадиган вакиллар орқали бошқариладиган давлат ҳокимиятисизгина эмас, балки, фуқароларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари воситасида, ўзини-ўзи бошқаришда фаол иштирок этишларисиз ҳам тасаввур этиш қийин.

Демократия йўлидан шаҳдам бораётган Ўзбекистонда фуқароларнинг бундай ҳуқуқлари Конституцияда қайд этилган, «Фуқаролик кодекси»да акс эттирилган, бошқа қатор қонунлар тизими билан таъминланмоқда. Уларнинг асосида республикада ўнлаб нодавлат нотижорат ташкилотлари тузилиб, фаолият кўрсатмоқда. Лекин, ҳаёт тўхтаб қолгани йўқ, ўзгаришлар бетўхтов бўлаётир, янги талаблар туғилаётир. Чунончи, 1996 йилда «Фуқаролик кодекси» қабул қилингандан сўнг, нотижорат ташкилот ҳисобланган ва «жамоа бирлашмаси»дан жиддий фарқ қиладиган, **«жамоат жамғармаси»** тушунчаси пайдо бўлди. Уларни тузишда, хусусан, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунга риоя қилиш жараёнида, турли тушунмовчиликлар келиб чиқаётир.

Демак, мамлакатимиз ривожланиши ҳозирги босқичининг талаблари ҳамда жаҳон илғор давлатлари тажрибасидан келиб чиқиб, нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида махсус қонун қабул қилиниши долзарб заруратга айланди.

Тақдим этилган Қонун лойиҳасига келсак, шуни айтиш лозимки, уни умуман маъқуллаган ҳолда, унда **«нодавлат нотижорат ташкилоти»,** деб **«давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари уларнинг таъсисчилари ҳамда иштирокчилари бўлмаган нотижорат ташкилотлари ҳисобланади»,** деган қоиданинг аниқ-равшан ёзилиши, шунингдек, **нодавлат нотижорат ташкилотлари уюшмалари (иттифоқи)**ни тузиш, **халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқий мақомини** белгилаш ҳамда **нодавлат нотижорат ташкилотларига бериладиган солиқ имтиёзлари** тўғрисидаги моддаларга айрим аниқликлар киритилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иккинчидан, **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги (янги таҳрирдаги) Қонун лойиҳаси ҳақида. Ҳаракатдаги шундай Қонунни такомиллаштириш зарурати юртбошимизнинг, «Туркистон» газетаси мухбири саволига берган жавобидаги, маҳалла хусусидаги, фикрларидан ҳам билиб олса бўлади. **Бу ноёб тажриба — аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи,** — деган эди у киши, — **жаҳоннинг бошқа мамлакатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган бирламчи ва беқиёс макон, бу — маҳалладир.** Шундай экан, бу тенги йўқ масканнинг ҳуқуқий мақоми ва унинг фаолиятининг ҳуқуқий негизини замон талаблари даражасига кўтариш ҳам қарз, ҳам фарздир. Шу нарсани мамнуният билан қайд этиш лозимки, умумхалқ муҳокамаси жараёнида, шу жумладан фракциямиз аъзолари томонидан, билдирилган фикр-мулоҳазалар Лойиҳанинг ҳозирги кўринишини тайёрлашда, асосан, инобатга олинган. Шундай бўлса-да, бўлажак Қонунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишдаги ўзаро тенгликларини таъминлашда, кишиларнинг жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши каби, уларнинг **мулкий ҳолатларини** ҳам инобатга олинмаслигини қайд этиш ҳамда Лойиҳага айрим таҳририй тузатишлар киритишни лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу ҳамда сессияда қабул қилиниши кўзда тутилаётган бошқа қонунлар лойиҳаларига оид фракциямиз таклифларини биз Олий Мажлис Котибиятига олдиндан йўллаганмиз, сизларга тарқатганмиз ва бугунги йиғилишимизда арзигулик янги фикр-мулоҳазалар билдирилса, уларни ҳам сессияни тайёрлаш билан шуғулланаётган ишчи гуруҳига тезкорлик билан етказишни таъминлаймиз.

Фракциямиз аъзоларининг Олий Мажлис навбатдаги сессиясини талаблар даражасида ўтказишга катта масъулият билан ёндашиб, таклиф этилган ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама этиш ҳамда қабул қилишда фаол иштирок этишларига ва, умуман, унинг юксак ташкилий-сиёсий савияда ўтишига муносиб ҳисса қўшишларига ишончимиз комил. Бу — мамлакат раҳбариятининг диёримизда ҳукм сураётган барқарорликни кўз қорачиғидай асраш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, халқимизнинг ижтимоий адолат тўғрисидаги эзгу ниятларини рўёбга чиқаришга қаратилган сиёсатини амалда қўллаб-қувватлашимиз ифодаси, миллий истиқлол ғанимлари хуружларига ўзига хос жавобимиз бўлади.

Суратларда: фракция йиғилишидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Жўра Камолович САИДОВ

Ўзбекистон фани оғир жудоликка учради. Атоқли ботаник олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Давлат мукофотининг соҳиби, биология фанлари доктори, профессор Жўра Камолович Саидов 1999 йилнинг 9 апрель куни 89 ёшида вафот этди.

Ўлим сафимиздан ажойиб инсон, машҳур олим, илм-фаннинг фидойиси ва йирик ташкилотчисини олиб кетди.

Академик Ж. К. Саидов мамлакатимизда ўсимликлар морфологияси, анатомияси ва ўсимликлардаги физиологик жараёнларни ўрганди ҳамда ўсимликларнинг шўрланишга мослашиш қонуниятларини топишга эришди.

Унинг раҳбарлигида чўл-яйловларининг ҳосилдорлигини оширишнинг илмий назарий асослари исботланди ва фитомелиорация усулларидан фойдаланишнинг технологияси ишлаб чиқилди.

Академик Ж. К. Саидов ботаника фани соҳасида янги йўналиш — экологик анатомия, антиэкология ва цитоэмбриология илмий мактабини яратишга асос солди.

Академик Ж. К. Саидов 1909 йилнинг 27 декабрида Қўқон шаҳрида таваллуд топган. 1932 йилда Самарқанд Педагогика академиясини битирган. Узоқ йиллар Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти директори, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги академиясининг Академик котиби, қишлоқ хўжалиги вазирлигининг коллегия аъзоси ва кадрлар тайёрлаш бошқармаси бошлиғи, ЎзРФА Ботаника институти директори лавозимларида фаолият кўрсатди. У умрининг сўнгги кунларигача ЎзРФА Ботаника институти директорининг илмий маслаҳатчиси лавозимида ишлади.

Ж. К. Саидов 200 га яқин илмий ишларнинг муаллифи, олий малакали илмий ходимларни тайёрлашга алоҳида эътибор берган. У барпо этган илмий мактабнинг кўплаб фан доктори ва номзодлари бугун устознинг ишини давом эттирмоқда.

Академик Ж. К.Саидов илм-фан ва таълимни ривожлантиришдаги хизматлари учун бир қанча ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган.

Йирик олим Жўра Камолович Саидовнинг ёрқин хотираси халқимиз қалбида доимо сақланиб қолади.

И. А. КАРИМОВ,
Э. Ҳ. ХАЛИЛОВ,
Ў. Т. СУЛТОНОВ,
Т. А. АЛИМОВ,
Т. Т. РИСҚИЕВ,
Ҳ. С. КАРАМАТОВ,
Т. Ж. ЖЎРАЕВ,
О. А. АШУРМЕТОВ,
А. А. АБДУЛЛАЕВ

Китоб — содиқ дўст

Чақнаб турган сатрлар

Ватан қисмати Миллатни бирлаштиради. Уйғоқлик жисмимизда эмас, қалбимизда бўлмоғи зарур. Биргина одамни эмас, бутун миллатни огоҳ этмоғимиз шарт. Ватанимиз пойтахти Тошкентимизни тинчлиги эса, мамлакат тинчлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Шоир Ҳабиб Саъдулла 16 февраль воқеаларига бағишлаб «Жароҳат» достонини яратди. Бу кичкинагина китобча олис Намангандан Ватан тинчлиги, юртбоши омонлиги бўлиб пойтахтга парвоз қилди.

Ушбу достоннинг сўз бошисида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад қуйидагича ифодалайди. «Шоир Ҳабиб Саъдулланинг дард билан ёзилган достонини 16 февралда Тошкентда юз берган ёвузликка унинг лаънат ва нафрати деб билдим.

Достондаги чақнаб турган сатрлар менинг, сизнинг, барчамизнинг қонимизни қайнатиб турган алам, бўғзимиздан отилиб чиқаётган бир оловли вулқондир».

Пойтахт кўксидаги жароҳатга малҳам бўлгудек, изтироб билан ёзилган ушбу китоб миллат фидойиларининг барчасига ҳамроҳ бўлиб қолсин.

Фаррух ҲАМРОЕВ

Кўрсаткич ёмон эмас

Хитой бош божхона бошқармаси январь-февраль ойларида мамлакатнинг халқаро ташкилотлар билан ташқи савдо алоқалари натижаларини эълон қилди.

Унда Хитой билан АСЕАН ўртасидаги савдо айланмаси 3,297 миллиард АҚШ долларини ташкил этгани қайд этилади. Бу кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан 6,1 фоиз кўпдир.

Сайёҳлар кўпаймоқда

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти маълумотларига қараганда, яқин йиллар ичида сайёрамизда сайёҳлар сонининг ўсиши кузатилмоқда. Жумладан, 2010 йилгача хорижий сайёҳлар сони 1 миллиард нафарга етиши кутилаётир.

Мазкур халқаро ташкилот вакилининг таъкидлашича, 1950 йилдан буён жаҳонда сайёҳлар сони йилига 7,1 фоизга кўпаймоқда. Ундан тушаётган даромад эса 12,4 фоизни ташкил этаётир.

Вьетнам ҳам аъзо бўлмоқчи

Вьетнам Ташқи ишлар вазирлиги тарқатган баёнотда маълум қилинишича, шу йилнинг 30 апрелида Ханойда Камбоджани АСЕАНга қабул қилиш маросими бўлиб ўтади. Шундан сўнг АСЕАНга аъзо давлатлар сони 10 тага етади.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбирининг ёзишича, мазкур ташкилот аъзоси бўлган мамлакатлар ҳукуматлари вакиллари ўзаро маслаҳатлашувдан сўнг ана шундай қарорга келишди.

Қароргоҳ қуришмоқчи

Франс-пресс ахборот агентлиги мухбирининг хабар қилишича, Жанубий Африка Республикаси Президенти Нелсон Мандела ва унинг рафиқаси Граса Машел Мозамбик пойтахти — Мапутуда ҳашаматли қароргоҳ қуришни режалаштирган.

Маълумотларга қараганда, Н. Мандела билан Мозамбик Президентининг собиқ рафиқаси Г. Машел Мапуту шаҳри атрофидан жой сотиб олган.

ЖАРда чоп этиладиган «Белдт» газетасининг ёзишича, Н. Мандела жорий йил июнь ойидан бошлаб қурилажак мазкур қароргоҳда яшаш ниятида экан.

Йўлбарсларни асраш учун

Владивостокда «Амур йўлбарсларини асраш» дастури ижросини таъминлаш юзасидан халқаро ишчи гуруҳининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Россия ва хорижий мамлакатлар табиатни асраш қўмиталари вакиллари, божхона ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ходимлари ҳамда халқаро жамғармалар раҳбарлари иштирок этди. Анжуман иштирокчилари уч кун давомида Узоқ Шарқ минтақасида ушбу дастурнинг бажарилиши ва бу борада амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

«Амур йўлбарсларини асраш» дастури 1995 йилда қабул қилинган бўлиб, у Приморье ва Хабаровск ўлкаларида йўлбарсларни асраш ва улар сонини кўпайтиришни кўзда тутади.

«Муқаддас Қуёш» — қадамжо

Мангендэ — шу юртда Президент Ким Ир Сен туғилди, улғайди. У шу гўшада инқилоб ғоялари билан йўғрилган умрининг қайноқ дамларини ўтказди.

Корейс халқи ва кўплаб жаҳоннинг тараққийпарвар халқлари бу юртга чуқур эҳтиром рамзи сифатида «Муқаддас Қуёш» деб атайдилар. Корейс халқи ўз фарзанди — Ким Ир Сенни беиҳоя қадрлайди. Уни «миллат қуёши» дея алқайдилар.

Мангендэ — муқаддас қадамжо саналади. Зиёратчиларнинг руҳий таскин топгувчи табаррук ибодат гўшаси. Атоқли арбоб, халқнинг содиқ фарзанди, марҳум президент Ким Ир Сеннинг руҳини ёд этишади. Кореянинг равнақи, дунё миқёсида нуфузи ортишида унинг беиҳоят катта хизматлари бор, албатта.

Шу йилнинг март ойи охирида Гвинея ташқи ишлар вазири Рамин Камара Кореяга ташриф буюрди. У ташрифи чоғида гвинеяликлар собиқ президент Ким Ир Сенни катта ҳурмат билан ёд этишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Зотан, собиқ президент корейс миллати бахт-саодати учун ўз умрини, ақл-заковатини бағишлади. Мустақил юрт тараққиётини дунёвий даражага кўтаришга интилди. Унинг киндик қони тўкилган юрт Мангендэ, — деди вазир, — тарихий ва мангу табаррук гўшадир.

Президентнинг васиятига кўра, у оламдан кўз юмгач, 1994 йилнинг 8 июлида шу юртга дафн қилинди. Унинг табаррук ҳоки пойини йилига миллионлаб кишилар зиёрат қилади.

Байрам кунлари, айниқса собиқ йўлбошчи таваллуд топган кун «Қуёш куни»да (15 апрелда) 100-120 минглаб одамлар юрт ўғлонини Магендэда тавоф айлайди.

Мангендэни сўлим гўшага айлантириш борасида кореяликлар 100 турдан ортиқ 1,2 миллион туп ноёб дарахт кўчатлари ўтқазишди. У яшаган хонадон эса уй-музейга айлантирилган. Хорижда яшовчи корейслар зиёратгоҳ учун 70 турдаги антиқа гул кўчати, 1200 туп манзарали ниҳол қадашди.

Марҳум Президент Ким Ир Сен Кореянинг Ўзбекистон билан сиёсий-иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. Бу ўринда албатта, Ўзбекистон — Корея қўшма корхоналарини эслатиб ўтиш жоиз. Айниқса, Андижон вилоятининг Асака шаҳрида бунёд этилган «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон — Корея қўшма корхонаси фикримиз далилидир. Хозирги пайтда Ўзбекистон ҳақиқий маънодаги автомобиль мамлакатига айланди. «ЎзДЭУэлектроникс», «Самсунгэлектроникс», «Кабул —Текстайлз» қўшма корхоналарида ҳам кўплаб сифатли маҳсулотлар тайёрланаяпти. Бундай ҳамкорлик ришталари узилмас бўлиб, йилдан йилга мустаҳкамланмоқда. Икки халқ ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик алоқалари эса абадийдир.

Саида ЙЎЛДОШЕВА

Суратларда:
1) «Сандавон» болалар оромгоҳи.
2) Мангендэдаги ўқувчилар ва болалар саройи

Иш ҳақини ошириш талаб қилинди

Канадада «Белл Канада» компаниясининг 10 мингга яқин телефон алоқаси хизматчилари иш ташлаш эълон қилиб, намойишга чиқди. Улар компания раҳбариятидан иш ҳақини ошириш, иш ўринларини кафолатлаш ҳамда ишчилар учун қулай шарт-шароитлар яратишни талаб қилмоқда.

Компания раҳбариятининг бир неча бўлинма ҳамда хизматларини АҚШга кўчириш ҳақидаги қарори хизматчиларни шундай иш тутишга мажбур қилди, дейилади РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда. Чунки, бу қарорнинг амалга ошиши кўплаб иш ўринларининг қисқаришига олиб келади.

Чегаралар мустаҳкамланмоқда

Панама ўз ҳудудига турли жиноятчи унсурларнинг кириб келишининг олдини олиш учун Колумбия билан туташ бўлган чегараларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Мамлакат Президенти Перес Балядарас радио орқали мурожаатида буни тасдиқлади. Унинг айтишича, айни пайтда Колумбия билан чегарадош ҳудудларда гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси билан шуғулланаётган «Парамилитарес» ҳарбий тузилмалари жанриларининг тўпланиши кузатилмоқда. Шунинг учун бу ҳудудлардаги Панама полицияси қисмларига қўшимча жиҳозлар, қурол-яроғ ҳамда транспорт воситалари етказиб берилмоқда.



Ҳужум қурбони бўлди

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга қараганда, Сомалида Сомали миллий фронти (СМФ) етакчиси Али Нур Муҳаммад Мухтор қўққисдан уюштирилган ҳужум натижасида ҳалок бўлди.

Маълумки, 1991 йилдан буён Сомалида марказлашган ҳукумат йўқ. Айни пайтда мамлакат ўндан зиёд ҳудудга бўлиниб кетган бўлиб, уларнинг ҳар бири қуролли гуруҳлар назоратидадир.

Ҳарбий аслаҳалар сотиб олмоқчи

Зимбабве Россиядан ҳарбий аслаҳалар сотиб олиш ниятида.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбирининг хабар қилишича, Зимбабве ҳукумати Россиядан ўнлаб «Ми-24» русумли ҳарбий вертолёт ва бошқа қурол-яроғ сотиб олмоқчи. Конго Демократик Республикаси (КДР) ҳукумати эса Зимбабвега уларни сотиб олишга молиявий жиҳатдан ёрдам беришга ҳозир эканини маълум қилди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ БАНКИ

МИЛЛИЙ БАНК ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ВА УНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ СИЗГА ҚУЙИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШГА ТАЙЁР:

* барча турдаги ҳисоб-китоб операциялари;
* миллий ва хорижий валюталарда кредитлаш;
* конверсия операциялари;
* шахсий сейф қутиларини ижарага бериш;
* қимматли қоғозлар билан ишлаш;
* траст операциялари;
* пластик карточкалар орқали фойдаланиладиган ҳисоб варақалар очиш (Миллий банкнинг VIZA, сўм карточкалари);

МИЖОЗЛАРИМИЗ БИЗ КЎРСАТАДИГАН БЕПУЛ ХИЗМАТЛАРНИНГ ҚУЙИДАГИ ТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШЛАРИ МУМКИН:

* миллий ва хорижий валютада омонатлар очиш;
* "талаб қилиб олингунча" депозит ҳисоб варақалари очиш;
* маслаҳатлар бериш;
* инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосномаларини тузиш ва таҳлил қилиш.

ОПЕРАЦИЯЛАР ҲАР КУНИ 16.30 ГАЧА ЎТКАЗИЛАДИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ
Ғ. Ғулом к., 1, тел. 144 82 20, 144 82 05

МИРОБОД ФИЛИАЛИ
Банокатий к, 165. Тел.: 93-08-35.

АКМАЛ ИКРОМОВ ФИЛИАЛИ
Фарҳод к, 54. Тел.: 74-08-93.

ЯККАСАРОЙ ФИЛИАЛИ
Бобур к., 85. Тел.: 50-94-97.

ШАЙХОНТОҲУР ФИЛИАЛИ
"Эски жўва" бозори майдони. Тел.: 49-46-86.

БЕКТЕМИР ФИЛИАЛИ
Ҳ. Байқаро к, 15. Тел.: 195-07-14.



ЮНУСОБОД ФИЛИАЛИ
Юнусобод мавзеси 11 даҳа, 32. Тел.: 125-06-76.

СИРҒАЛИ ФИЛИАЛИ
Сирғали-6. Тел.: 51-68-67.s

МИРЗО УЛУҒБЕК ФИЛИАЛИ
Пушкин к., 66. Тел.: 68-02-42.



ҲАМЗА ФИЛИАЛИ
Эл-бек к., 28. Тел.: 96-48-23.

ЧИЛОНЗОР ФИЛИАЛИ
Халқлар дўстлиги ш. к., 28. Тел.: 76-36-91.

СОБИР РАҲИМОВ ФИЛИАЛИ
Калонов к, 54. Тел.: 29-76-45



БИЗ МИЖОЗЛАРИМИЗ ТОПШИРИҚЛАРИ ИШОНЧЛИ, СИФАТЛИ ВА ТЕЗ БАЖАРИЛИШИГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ

БАНКИМИЗНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ДАРАЖАСИ ВА КЕНГ ДОИРАДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

МИЛЛИЙ БАНК — СИЗНИНГ БАНКИНГИЗ

Оммавийлик самараси

Теннисчиларимизнинг «Дэвис кубоги» учун курашнинг навбатдаги босқичини Японияда ўтказиб, майдон эгаларини 3:2 ҳисобида ютишгани ва бу билан жаҳон лигасига ўтиш турнирида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишгани ҳақида хабар қилган эдик. Куни кеча навбатдаги кураш иштирокчилари ўртасида Лондонда қуръа ташлангани маълум бўлди. Бундай тадбир натижасига кўра, теннисчиларимиз 24-26 сентябрь кунлари Тошкентда Чехия жамоасини қабул қиладиган бўлишди. Муҳими халқаро теннис федерацияси президенти Брайян Тобин Ўзбекистонда теннис ривожланиб, оммавийлашиб бораётганини эътироф этди.

Навбат сафар ўйинларига

Маълумки, Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси гуруҳлардаги саралаш учрашувларининг дастлабкисини ўз майдонида Қирғизистон футболчилари билан ўтказиб, ғалаба (3:0) қозонган эди. Йигитларимизнинг Тожикистон футболчилари билан ўтказган учрашувларида ҳам худди шундай ҳисоб қайд қилинди. Р. Гофуров танаффусгача ҳисобни очиб, 2-тайм бошида 11 метрли белгидан ҳисобни 2:0 га етказди. Ўйин тугаши олдидан Р. Сайфуллин яна бир тўп билан ғалабани мустаҳкамлади. Энди футболчиларимиз 24 апрелда Туркманистон, 29 майда Қозоғистон жамоаларининг меҳмони бўлишади.

Спорт

Яна бир халқаро мусобақа

Тошкентда волейболчи аёллар ўртасида «Микаси кубоги» учун халқаро мусобақа ўтказиладиган бўлди. Ўзбекистон Миллий олимпиада қўмитасида ўтказилган матбуот йиғилишида шу ҳақда ахборот берилди. Йиғилишни Миллий олимпиада қўмитаси раиси С. Рўзиев бошқарди. Волейбол бўйича Осиё конфедерацияси раиси — MIKASA фирмаси (Япония) раҳбари мистер Шиҳаб ҳамда республика волейбол федерацияси бош котиби Л. Айрапетьянцлар бўлажак тадбир ҳақида ахборот бердилар. Мусобақалар 24-31 май кунлари бўлиб ўтади.

От муродга етказар...

Ҳайитбой ака Яхшибоев Бахмал туманидаги Сарой қишлоғида яшайди. Унинг бир одати бор: қаерда кўпкари бўлса, ўша ердан қолмайди. Ҳатто қўшни Қозоғистонда бўладиган улоқларга ҳам эринмай боради. Ҳали ҳам Гиркўкдай, Бойчибордай бедовлар борлигидан завқланади, чавандозлар билан суҳбатлашади. Отини парвариш қилиб беришга розилик берса, йўқотган нарсасини топгандай қувонади. Ўша отдан насл олиб қолай дейди, қорабайирларимизнинг ҳифаларига ёзилган. Ўша довруғи дунёни тутган отларимизнинг тақдири ишқибозларни ухлатмаса не ажаб. Ҳайитбой ака ўтган йили 10 та қулун олди, улар республикамизнинг энг тоза наслли отларининг авлодларидир.

Жиззах вилоятида парвариш қилинаётган отларнинг келтирилганига 70 йилдан ошди. Республикамизда ягона бўлган отчилик заводи ташкил этилди. Уруш йилларида енгил кавалериянинг далар.

Мулоҳаза

Вилоятда йилқичилик фермалари ташкил этилаётгани қорабайир зотларини кўпайтириш имконини бермоқда. Фақатгина қорабайир зотли отлар сони 6 мингтага етай деб қолди.

Нафақат Жиззах вилоятида, балки республикамизда ҳам отчиликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар бор ва уларни бартараф этиш лозим.

Жумладан, республика олий ўқув юртларида чорвачилик фан сифатида ўқитилади. Уларда, йилқичилик факультетлари ташкил этилса яхши бўларди.

Тоғли ҳудудларда ҳар бир хонадонда деярли от бор. Ундан олинадиган маҳсулотлар тақдири-чи? Қазиқарта, қимиз ишлаб чиқариш, отлар билан савдо қиладиган бозорлар очишга муддат етмадимикан? Отларнинг кўргазмасини ташкил қилиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Жуда кўп отчилик билан шуғулланадиган кишилар, ишқибозлар от учун зарур озуқа муаммолари ҳақида гапирмоқдалар. Биринчи навбатда яйловлар ҳақида, унинг қисқариб кетаётгани ҳақида ташвишланиб сўзлашяпти. От бақувват, чопқир ва соғлом бўлиши учун арпа, сули, жавдар, маккажўхори, дуккакли дон экинлари пичани, сабзи ҳамда лавлаги берилиши керак. Бу жуда катта муаммо, модомики отчиликни ривожлантиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўярканмиз, масаланинг бу томонига ҳам эътиборни қаратишимиз керак.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 13 aprel, seshanba • № 45 (24.440).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-72-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-55-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳайдар НОСИРОВ*, навбатчи *Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004. Газета офсет усулида, А—2 форматда, 24.045 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0265

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ҳа, НУЖлар пуч чиқди!

Ғарбнинг баъзи матбуот органларида ёлғон-яшиқ нарсалар, бўлмағур шов-шувлар эълон қилиб турилиши ва ҳатто бу ёлғоняшиқларга «олим»лар ҳам жалб этилиши ҳақида хабарингиз бўлса керак. Соддадил одамлар бундай шов-шувларга чиппа-чин ишонишарди ҳам. Чунончи номаълум учар жисмлар (НУЖ) ҳақидаги ана шундай миш-мишларга рўзномамизнинг 1998 йил 29 октябрь сонидаги «НУЖлар — пучми?» сарлавҳали мақолада мулоҳаза бидирган эдик. Шундан буён бу мавзуни ўрганишни изчил давом эттирдик ва шундай хулосага келдикки, билдирган фикрларимиз тўла ўз тасдиғини топмоқда. Яқинда «Труд» газетасида «Сирли уруш: Сибирда НУЖ» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Мақола муаллифи қандайдир мавҳум НУЖ ҳақида эмас, кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб кўриш мумкин бўлган «номаълум учар жисм»нинг қанотли ёки шар шаклидаги ракета эканлигини мисоллар билан исботлаб берди.

Гап шундаки, у айрим чет эл «сапча» ёки тўғрироғи «думбул» журналистларининг «номаълум учар жисмлар бор нарса, уни ўзим ёки фалончи кўрди» шаклидаги уйдирмалари ғирт сафсаталигини, саёз кузатишларнинг пуфак бўлиб чиқишини исботлаган. «Гап бу ерда бошқа сайёралардан келган ёки бирон юлдуздан тушган десант ҳақида эмас. Олтой қанотли ракеталар синаб кўриладиган полигон бўлиб қолди», деб бошлайди у ўз мақоласини.

Гап шундаки, 1997 йил май ойида Жанубий-Шарқий Олтойнинг тизмаларида номаълум учар жисмнинг ҳалокатга учрагандан кейинги қолдиқлари топилган. Ўша пайтда унинг нималигига бу ерда яшовчиларнинг ақли етмаган, албатта. Чуй дарёси соҳилларидан то Мўғулистон чегараларигача осмонни қора қуюқ, нафасни сиқувчи булутлар қоплаб олган. Ўша ерлик 20 минг аҳоли гўёки газ камераси ичида қолгандек сезган ўзини. Орадан бир ярим йилча вақт ўтса ҳам бу иш ошкор қилинмаган... Ноҳуш «булут»дан жабр кўрган халқ эса на тиббий ёрдам олган, на бирон моддий мадад. Ҳолбуки кўплаб оилаларнинг рўзғор тирикчилигига яраб турган моллари нобуд бўлган, яйловлар заҳарланган. Ахир, бу яйловлар бутун Олтойнинг жавоҳири эди-да.

Ва ниҳоят республикада ўтказилган тиббий-экологик тадқиқот натижалари бир олам сирни очиб ташлади: одамларнинг хлор билан заҳарланган маълум бўлди. Дарахтлар сарғайиб кетган, дарёдаги балиқлар нобуд бўлган, барглардан тўкилган чанг кўзлардан ёш оқизган. Одамлар ўзини худди кўзларига қум тўлаётгандек сезган. Дарёда чўмилган чўпонларнинг баданларида яралар пайдо бўлган, сочлари тўкила бошлаган.

Шов-шувлар ва ҳақиқат

«Булут» тарқаганда қандайдир номерсиз, номаълум вертолёт Олтой узра учган. У ҳатто қишлоқлар яқинига қўнган ҳам. У ўрмон, дарё узра учиб юрган. Қўнган чоғида ундан тушган одамлар қишлоқ аҳлидан қочиб юрган, суҳбатлашмаган. Дурбин ёрдамида уларни кузатган қишлоқликлар вертолётдан тушган кишиларнинг тупроқ, сув, ўсимликлардан намуна олганликларини кўрганлар. Бешинчи синфда ўқийдиган бир ўқувчи тасодифан вертолётга яқин бориб қолган. Унинг қикоя қилишича, вертолётдан 10-12 киши тушган. Кун иссиқ бўлишига қарамай уларнинг оёқларида резина этик, қўлларида қўлқоп, махсус костюм, противогазда бўлганлар. Улар бир неча гуруҳга бўлиниб, шприц билан дарёдан сув олишган ва уни бир идишга қуйишган. Баргларни пакетларга солишган. Тупроқдан намуналар олишган. Улардан бири ҳалиги болани кўриб қолган. Унинг сочлари тўкилмаяптими, қорни оғримаяптими, деб роса текшириб кўришган. Дарёда чўмилмасликни, мевалар, қўзиқорин емасликни тайинлашган. Қайтишаётганда эса «қишлоғингларда газ» дейишган, холос.

... 1947 йилда Семипалатинск полигонида атом бомбаси портлатилганида машинада ўтаётган кишилар чўпонларга бир стакандан ароқ қуйиб беришган экан. Худди шундай Чуй узра ҳар қишлоқ мактабларида болаларга балиқ овламаслик ва ҳоказо насиҳатлар қилинган. Уларга, албатта бош кийимларини кийиб юришлари тавсия этилган. Энг қизиғи эса катталарга ярим стакандан, кичикларга эса бир қошиқдан ароқ, бериш «тавсия этилган». Бунинг сабаби киши кислород етишмаслигини сезмас эмиш. Аммо, «номаълум учар жисм» жуда қимматга тушган. Масалан, унинг ҳалокатга учраган ҳар бир бўлаги учун ўша пайтда бир миллион сўмдан бериш қишлоқ аҳлига ваъда қилинган. Аммо 20 минг кишининг ҳаёти билан эса ҳеч кимнинг иши бўлмаган. Ҳолбуки, одамларни бошқа ёққа кўчириш, биринчи галда ҳомиладор аёлларни ва барча болаларни асрабавайлаш зарур эди. Аммо бундай қилинмади. Оқибатда АҚШ Вьетнамга уруш эълон қилгандан кейин унинг 16 жанубий туманидаги ҳомиладор аёллар заҳарли моддалардан қанчалик зарар кўрган бўлса, бу жой ҳам ундан ошиб тушди.

Гапнинг қисқаси, НУЖ — номаълум учар жисм «сири» нимада экан денг? У ҳеч қандай номаълум, бошқа сайёралардан келган нарса эмас, балки одамларнинг ўз бурни тагида қурилган нарса бўлиб чиқди. Ўта паст шовқинда ва деярли шовқинсиз учадиган бундай ракетасифат ва шарсифат жисмлар эндиликда Олтой республикаси аҳолисига яхши маълум. Асосан у кечқурунлари учирилган. Кўзни қамаштирувчи ёруғлик у ҳалокатга учраганда бениҳоя кучайган ва ўта қаттиқ портлаш товуши эшитилган. Айниқса, чўпонлар уларни яхши билиб олишган. «Номаълум учар жисм» ё қояларга урилиб ёниб кетган, ё пасттекисликларда ҳам ҳалокатга учраган. Ўта қаттиқ портлаш оқибатида ўрмонлар сарғайиб, ҳосиллар нобуд бўлган.

Ёлғон НУЖларнинг учиши анча илгарироқ бошланган. Айниқса, 1992-94 йилларда авжига чиққан. Ва ниҳоят шундай хулосага келиндики, май ойидаги ҳалокатдан сўнг ҳам улар кўп марта учирилган. Узоғи билан 500 километргача учган. Кучли ёнғин чиқишининг сабаби эса сарфланмай қолган ёнилғидадир. Ҳатто янги ракета ёнилғиси синаб кўрилган деган тахминлар ҳам бор. Ер узра учиб бораётганда бу қанотли ракеталар паст-баланд жойларга мослашиб бир хил, текис учган. Ҳалокат сабаби эса унинг бошқарув тизимидаги нуқсонларда, дейишмоқда.

... Эндиликда ракета учишларини кишилар дарров пайқашади. Ундан тарқалаётган «излар» ёрқин кўриниб туради. Бу рангли излар ҳиди анча ёқимсиз бўлса-да улар кўп ўтмай йўқолади. Аммо унинг оқибатлари эса анча вақтгача давом этади. Барнаулда бундай ҳолларнинг биронтаси тадқиқ этилмаган. 1947-1962 йилларда Семипалатинск полигонидаги кўплаб атом бомбалари портлаши озмунча зарар етказганмиди? 1957 йилдан бошлаб Бойқўнғир космодромида ракета синовлари давом этди. Аммо, осмонда бирданига пайдо бўлаётган «қизил», гоҳ «оқ», гоҳ «яшил» ранглар қанчалик кўзни қамаштирмасин, у инсонлар ҳаётига шунчалик хавф солмоқда.

Ҳамид АБРОРИЙ тайёрлади.

Ҳуқуқингизни биласизми?

«Ҳуқуқингизни биласизми?» — бу энг кўп учрайдиган савол эмас, балки ҳаёт талаби. Ҳуқуқий давлат қураяпмизки, ҳар бир фуқаро бу илмни ўрганмоғи лозим. Шу мақсадда вилоят ҳокимлиги ҳар ойнинг сўнгги чоршанба кунини «Ҳуқуқий билимлар куни», деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу куни «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вилоят бўлими, суд, адлия, ички ишлар ходимлари, малакали ҳуқуқшунослар корхона, ташкилот, ўқув юртларида бўлишиб, ҳуқуқий мавзуда маърузалар қилишади, саволларга жавоб қайтаришади. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда бу тадбир яхши натижа бериши тайин.

У. ЮНУСОВ

Айтматов гурунглари

Яқинда Тошкент Давлат университети ўзбек филологияси факультетида буюк адиб Чингиз Айтматовнинг 70 йиллиги тантаналарига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбатни факультет декани Қозоқбой Йўлдошев бошқарди. Адабий гурунгда профессор Лазиз Қаюмов адиб ҳақида узоқ гапирди..

Давра суҳбатида доцент Р. Иноғомов, доцент А.Олимбеков, ўқитувчи Р.Қўлдошев, дипломант З.Қодирова, шоирлар, ёзувчилар ҳамда бир гуруҳ талабалар иштирок этдилар. Адиб ижоди ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Бобомурод РАЙИМОВ.

«Ақлли машиналар» — мактабда

Узун туманидаги иқтидорли болалар таълим олаётган 3-гимназия мактаби билан танишиб, тўғриси қувондик. Бу ерда келажагимиз бўлган ёшларга барча шарт-шароитлар муҳайё экан. Тоза, озода синфхоналарда турли кўргазмали жиҳозлар муҳайё. Гимназияда 184 нафар ўғил-қиз таълим олмоқда. Олис қишлоқлардан келиб таълим олувчилар ётоқхона билан таъминланган. Иқтисодиёт йўналишига асосланган иқтидорли болалар гимназиясида биринчи синфдан 9 синфга қадар ўқитилмоқда. Илк йилданоқ ёшларга инглиз тили, компьютер сирлари ва иқтисодиётдан чуқур билим берилади. Қувонарли томони шундаки, гимназияда 1997-1998 ўқув йилининг бошларида рамзий маънода кичик академия ташкил этилибди. Унда барча фанлардан аъло баҳоларда ўқийдиган ўқувчилар, ижодкорлар танлаб олинган. Шунингдек, бу ерда сахна, мунозара, семинар, мушоира, дарслар ҳам тез-тез ташкил этилмоқда. Бу ўқувчиларнинг билимларини оширишда катта ёрдам бермоқда.

Ҳозирги замонни компьютерсиз тасаввур этиш қийин. Шундан бўлса керакки, гимназияга Тошкентдан 11 дона компьютер олиб келинди. Бу ақлли машиналардан Дилфуза Турдиева ёшларга сабоқ бермоқда. Ўқувчиларга дарсдан кейин ҳам турли-туман қизиқарли машғулотлар олиб борилмоқда. Шахмат тўгараги мунтазам ишлайди. Спорт турига қизувчи ўқувчилар сони кундан кунга кўпаймоқда. Ёш шахматчилардан Ш. Менглиев ва Б. Жалиловлар республика ва вилоятда ўтказилган мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишди. Бу ерда таълим олаётган фарзандларга уч маҳал иссиқ овқат берилади. Албатта, шундай қулай шароитлар бўлгач, ёшларда билим олиш, Ватанга хизмат қилиш ҳисси янада ортади.

— Булар мен орзу қилаётган шароитнинг бир бўлагидир, — дейди гимназия директори Турсунали Хидиров. — Келажакда билим масканимизни мамлакатимиздаги энг яхши даргоҳлардан бирига айлантирамиз.

Директорнинг гапларида жон бор. Чунки, бу гимназияда билим олувчилар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Навбат — каламушларга

Гиёҳванд моддаларни қидириб топишда божхоначилар кейинги пайтда итлардан ташқари ўргатилган ёш йўлбарслардан ҳам фойдаланмоқдалар. Маълумотларга қараганда, йўлбарслар Жанубий-Шарқий осиё мамлакатлари аэропортларида яхши натижа бермоқда. Аммо, бу ҳайвонга ҳам қаноат қилмаган бирмаликлар қидирув ишларига энди каламушларни жалб қилишди. Оғирлиги 1,5 килони ташкил қиладиган, қафасларда боқилган каламушлар аэропортда юк ортилган транспортлар олдидан аста-секин олиб ўтилади. Агар бирор гиёҳванд модданинг ҳиди чиқса улар бирдан безовталаниб божхоначиларни огоҳлантирар экан.

Қамоқхона бошлиқлари норози

Филиппин ҳукумати чекувчилар сонини камайтириш учун жиддий чоралар кўрмоқда. Ана шундай чора-тадбирлардан бири жамоат жойларида чекишни таъқиқлаш тўғрисидаги декретнинг қабул қилиниши бўлди. Бу воқеадан сўнг стадионларда, кинотеатрларда ва ресторанларда чекканларга 5 кундан 7 кунгача қамоқ жазоси қўлланиляпти. Аммо, филиппинликлар бу қонунни ҳам унчалик назарписанд қилишгани йўқ. Жойларда чекиш ҳамон давом этмоқда. Ҳукумат эса қонун устуворлигини кўрсатиб қўйиш мақсадида бўйсинмаганларни биринкетин қамоққа тиқаётир. Натижада қамоқхоналар маҳбусларга тўлиб кетди. Икки кишилик камераларда олтитадан маҳбуслар сақланаётгани туфайли эса Манила ҳукуматига қамалганлардан эмас, балки уларни бошқаришда қийналиб кетган қамоқхона бошлиқларидан норозилик хатлари кўплаб келиб турибди.

Шоира ТЎХТАБОЕВА тайёрлади.

Пичоқни қўшнисига урди

Валерий Алимов эллик ёшлар атрофида тоғни урса талқон қиладиган норғуллардан. Аммо, ҳеч қаерда ишламайди, фойдали меҳнат билан шуғулланмайди. Темир панжара ортини кўнгли тусайверади. Бу қалби пажмурдалигидан. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, у беш марта судланиб, узоқ муддат қамоқ жазосини ўтаган. Бироқ жазолардан ўзига тўғри хулоса чиқармаган. Ҳаётда ўз ўрнини топа билмай, саёқ юришни касб қилиб олган. Итдай санқийди. Бола-чақа, оила бўлмагандан кейин шуда.

У ўтган йилнинг 29 апрель кундуз соат 14 ларда яна бир оғир жиноятга қўл урди. Куппа-кундуз Самарқанд шаҳар, Боғдод кўчасидаги ўзи яшаётган кўп қаватли уйларнинг бири олдида жанжал кўтарди. Маст ҳолда қўшниси Алик Ишдавлетовни ҳе йўқ, бе йўқ дўппослай кетди ва оғир тан жароҳати етказди. Алик эса, қўл зарби ва тепкилашидан эсанкираб ўтириб қолди. Бир оздан кейин эса ўзига келиб гаражлар ортига ўтди. Аликни тинчитиб қўйиш пайида бўлган Валерий гаражлар ортидан чиқиб келишини кутиб турди ва пайт пойлаб, қўққисдан қорнига пичоқ санчди. Жабрланувчи ўткир тиғ зарби ва оғриқдан дод, деб қичқирди. Кейин эса ҳолсизланиб йиқилди. Яхшиямки, инсоннинг дардига дармон бўладиган яхши кишилар жабрдийдани зудлик билан вилоят шифохонасининг жарроҳлик бўлимига келтиришди. Билимли ва тажрибали шифокорлар ёрдамида унга тиббий ёрдам кўрсатилди. Ўлим билан олишаётган жон сақлаб қолинди.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир

Валерийнинг хатти-ҳаракати юзасидан дастлабки тергов ўтказган Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармаси тергов бўлими терговчиси А. Омонов далилий ашёлар ҳамда гувоҳлар иштирокида якуний хулосага келди. Темирйўл тумани прокуратураси бу жиноятга нуқта қўйди. Туман суди судьяси Е. Тюгай раислигида ўтган очиқ суд мажлисида эса жиноий иш батафсил кўриб чиқилиб, В. Алимовни 18 йилга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм ўқилди. У яна кўнгли тусаган «қадрдон уйи»га қайтди.

Ушбу воқеанинг кишини ўйлантирадиган, ташвишлантирадиган томонлари бор. Наҳотки, Валерий аввалги қамоқ жазоларидан тўғри хулоса чиқармаган бўлса? Нега у фойдали меҳнат билан шуғулланиш ўрнига яна жиноятга қўл урди? Ёки қонунларимизнинг устуворлигини, жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмаслигини ҳали ҳам билмасмиди?

Ашурали ЖЎРАЕВ,
Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани прокурорининг ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.
Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Ўзбекгазсувқурилиш» ОТАЖ бошқаруви аъзолари бошқарувнинг Беруний филиали бошлиги Шерипбай Туримовга қизи **ФЕРУЗАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55